Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 7 июнь • сешанба № 22 (1018)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

**Тинчлик бўлсин!**

## Осуда осмон остидаги

### муқаддас замин



**ЁШ-ЯЛАНГ салом бериб ёнингдан ўтади. Ассалому алайкум, дейди. Бу, мен сизга тинчлик тилайман, деганидир. Ҳар қадамда “Тинчлик-омонлик бўлсин!”, “Яхши кунларда кўришайлик!”, деган тилак айтилади. Ва бунинг барчаси кишига хуш ёқади.**

Хўш, нега шундай? Бу тилак некбинлик ташигани учунми?

XXI асрга келиб, юракда таҳлика қўзғовчи хавфу хатар кескин кучайди. Бир томонда — тоза ичимлик суви, нефть ва газ захиралари тақчиллиги, экологик инқироз ва мисли кўрилмаган фавқулодда офатлар, иккинчи томонда эса уруш ва адоват, вайронкорлик ҳамда қабоҳат. Қаҳратон қиш кунлари бир нажот истаб Европада изғиб юрган қочқинлар, уларнинг аянчли қисмати ва оғир йўқотишлари кимнинг юрак-бағрини ўртамайди, дейсиз.

Кеча телевидение ўтган йиллари рўй берган оламшумул кулфатлар ҳақида кўрсатув намойиш этди. Нималар бўлмади яқин учтўрт йил ичида?! Лекин ўша фожиаларнинг энг аянчлиси — Японияда содир бўлган даҳшатли тошқин, шунинг оқибатида Фукусима атом электр станциясида рўй берган мудҳиш портлаш экан.

Ўн метрдан баланд бўлган қудратли тўлқин аэропортдаги самолётларни хас-ҳашакдек оқизиб кетаётганини кўрган одам ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Ироқ ва Сурияни олинг. Уруш ва террор оқибатида ҳар куни қанча одам қурбон бўлмоқда. Қанча шаҳар-қишлоқ кунпаякун қилинмоқда!

Ҳолбуки, гоҳида оддий бир уй қуришга бир инсоннинг умри етмайди!

Чигал ва мураккаб, тангу тор вазият одам боласи нечоғлик ҳимоясиз ва бир имдодга муҳтож эканини равшан бир ойдинликда аниқ намоён этади.

— Бугун ахборот тақчиллиги, деган гап йўқ. Интернетдан, телевидение ва матбуотдан хоҳлаган маълумотни олишинг мумкин. Суҳбатимиз тинчлик, хотиржамлик ҳақида экан, яна бир масалани айтмоқчиман. Дунё давлатларида кечаётган аҳволни кўриб, ёқангни ушлайсан. Юзлаб шаҳарларда қош қорайдими, кўчага чиқиш хавфли. Кўпчилигида эса маълум вақтларда комендантлик соати жорий қилинади. Бизда эса ярим кечаси шаҳарнинг у бошидан бу бошигача кезиб чиқинг, биров тўхтатмайди. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтсам ўринли бўларди, деб ўйлайман. Тунов куни уйқум қочиб ташқариладим. Соат тунги бирлар атрофи. Кўча нарисидаги ёп-ёруғ, замонавий қилиб бунёд этилган футбол майдончасида эса ҳаёт қайнайди. Болаларнинг шодон қийқириқлари атрофга ёйилади. Уларни кузатиб туриб, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг қадрини янада чуқурроқ англагандай бўлдим. Ахир ота-онанинг кўнгли тинчки, фарзандига рухсат берган.

— Бундай собит ишончни қозониш, шунга шароит яратиб бериш ҳаловатдан кечиб ўтказилган кўп бедор тунлар, машаққатли меҳнат талаб қилишини кўпни кўрган одам сифатида мен жуда яхши англайман, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Умидилла ота Шомансуров.

2 ▶

**Минбар**

## Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда

### адлия органларининг ўрни

**ҚОНУН устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш масаласи муҳтарам Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб, мазкур муносабат мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг такомиллаштирилишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.**

Жумладан, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз томонидан қонун ижодкорлиги ва уларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари қабул қилинаётган қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш зарурлигини ҳамда ҳаётимиздаги муносабатларда уларга қатъий риоя қилишимиз лозимлигини таъкидлади.

Эътироф этиш керак, **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши, ўз навбатида, адлия органлари зиммасига бир қатор муҳим вазифаларни юклади.

Жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришнинг янги механизмлари ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, вазирликнинг муҳим функцияларидан бири маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш саналади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада ривожлантириш учун ушбу йўналишдаги мавжуд қонунчилик базаси бугунги кунда янада такомиллашди. Бинобарин, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий ҳокимликлар норма ижодкорлигининг фаол субъекти бўлиб, улар қабул қиладиган ҳар қандай ҳужжат қонунчиликка мувофиқ ва албатта халқчил, ҳаётий бўлиши лозим. Шу сабабдан ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ушбу соҳага масъул бўлган ходимлари масъулиятини ошириш, ҳудудий адлия бошқармаларининг ушбу йўналишдаги

2 ▶

**Ифтихор**

## Болаларнинг бегонаси йўқ



**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

**ЮРТ ШАЪНИНИ КЎТАРАЁТГАН БОЛАЛАР**

Давлатимиз ва Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликларга лаббай, деб жавоб бераётган Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсдаги турли мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз довруғини дунёга танитмоқда. Давлатимиз раҳбари 2014 йил Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида: **“Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб такрорлайман”**, дея таъкидлаган эди.

3 ▶

**Ташриф**

## Англашув Меморандуми лойиҳаси муҳокамаси бўйича

### келишув баённомаси имзоланди

**ЎТГАН ҳафта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Саудия Арабистони Подшоҳлиги Адлия вазирлиги вакиллари ташриф буюрди.**

Ўзбекистон делегациясига Адлия вазири Музраф Икрамов, Саудия Арабистони делегациясига Адлия вазири ўринбосари Юсуф бин Абдулазиз Аль-Фарраж раҳбарлик қилди.

Мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўзининг кириш сўзи билан очиб, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Адлия вазирлиги вакилларига бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда икки давлат ўртасида савдо-сотиқ, иқтисодиёт, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар сиёсатига оид, шунингдек, икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Учрашувда меҳмонлар давлатимизнинг миллий ҳуқуқ тизими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий фаолияти ва йўналишлари билан таништирилди.

Шундан сўнг Саудия Арабистони делегацияси раҳбари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Адлия вазирининг ўринбосари Юсуф бин Абдулазиз Аль-Фарраж Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва делегациясига юксак эҳтиром ва эътибор учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Адлия вазирлигининг асосий фаолияти ва йўналишлари тўғрисида сўзлаб берди.

Музокаралар дўстона ва амалий руҳда ўтказилди. Томонлар ҳар иккала давлат Адлия вазирликлари ҳамкорлиги бўйича Меморандум лойиҳаси келишувига эришдилар ва лойиҳа делегация раҳбарлари томонидан маъқулланди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги Адлия вазирлиги вакиллари иштирокида икки мамлакат адлия вазирликлари ўртасидаги англашув Меморандуми лойиҳасининг муҳокамаси бўйича келишув баённомаси имзоланди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

## Болалар учун байрам сайли

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!” ҳафталиги доирасида байрам тадбири ўтказилди.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, шаҳар халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, “SOS — болалар маҳалласи” тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилаётган байрам тадбирларида бу жиҳатлар яққол намоён бўлаётир.

Ҳафталик доирасида хайрия акциялари, концертлар, кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилди. Унда фаол қатнашган ўғил-қизлар рағбатлантирилди. Бундай лойиҳалар болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказлари ўқувчиларининг ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси, цирк томошалари, Республика қўғирчоқ театрининг чиқишлари болаларга шодлик улашди.

— Кўргазмада ўзим тиккан либослар билан иштирок этдим, — дейди Шайхонтоҳур туман “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази аъзоси Манзура Икромова. — Бу кўпчиликда қизиқиш уйғотганидан хурсандман.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция юзасидан мутахассислар иштирокида савол-жавоб, “Ҳуқуқ билимдони”, “Иқтидорли ёшлар Ватан келажаги” каби викториналар болаларнинг билимини синовдан ўтказди. “Отам, онам ва мен” мавзуидаги расм чизиш танлови тасвирий санъатга қизиқувчи кичкинтойлар учун маҳорат мактаби бўлди.

Маданият ва аҳоли дам олиш ҳамда “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказлари фаоллари, болалар рақс ва фольклор ансамбллари чиқишлари барчага завқ-шавқ бахш этди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Конференция**

## Тадбиркорлик фаолияти

### ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда

**ТАДБИРКОРЛИК фаолияти учун ҳар томонлама қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.**

Яқинда Ички ишлар вазирлиги Академиясида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш ҳамда қулай бизнес муҳитини шакллантириш масалаларига бағишланган **“Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”** мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларини камайтириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фикр билдирилди.

Конференция якунида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тегишли илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Осуда осмон остидаги

## муқаддас замин

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Олиб борилган халқчил сиёсат шуни кўрсатдики, Озодлик, — тенги йўқ неъмат. Кишилик ҳаёти эса тинчлик ва осойишталик, орасталик ва меҳр-оқибат билан тароватли. Обод ва оромбахш. Ватанинг тинч, хонадонинг осойишта бўлса, ортингга қайрилиб қарамайсан. Бунёдкорлик — яратиш билан банд бўласан. Ва бу тенгсиз бахт-саодат экани ҳеч қачон ҳозиргидек теранлик касб этган эмас.

Орзу-ҳавасли одам нима қилса, ўзи, оиласи ва бола-чақаси учун, эртанги куни учун қилади. Ўз ишидан кўнгли тўлиб, рағбат-ҳаловат топади. Юрт эса чирой очади.

— Тепангда ўқ учиб, мудҳиш бомбалар портлаб, вайронада каллакесарлар изғиб юрса, қандай хотиржам яшаш мумкин? — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қуддус Аъзамов. — Телевизор орқали дунёда рўй бераётган ҳодисаларни кўриб, жонинг узилиб тушади. Шарқ ўлкаларини чулғаган уруш, тараққий топган мамлакатларда содир этилаётган қонли хуруж ва террор, одамлар юз-кўзидаги қўрқув ва саросима, гўдагини бағрига босиб балодан қочиб бораётган муштипар келинчакни кўриб, юрак-бағринг туз сепгандай ачишади. Кеча бир болани кўрсатди, телевизорда. Журналист ундан: — Орзуйинг нима? — деб сўради. Уруш боласи ҳасрат билан термилганча: — эрталаб уйқудан турганда отаонам билан опа-укам уйда, эсономон бўлса бас, — деди. Ҳолбуки, дунёни остин-устин қилаётган ёвузлар ҳам, уларнинг кинли-ғаразли иддаоси ҳам ўша бола бечоранинг қатра кўз ёшига арзимайди.

Ҳаёт нима учун берилади? Орзуҳавасли инсон яхшиликка интилиб яшаши учун! Шу маънода, диёримиздаги файзу тароватни, ҳамма ёқни қамраб олган қуриш-яратишни, жўшқин ва қайноқ ҳаётни, айниқса, қўғирчоқдай кийинган жажжитойларни кўрсам, кўнглим яйраб кетади. Э, садағанг кетай, Тинчлик, дейман!..

Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида Тошкент телеминораси қад кўтариб турибди. Дунёдаги ноёб меъморий қурилмалардан бири ҳисобланмиш ушбу иншоотга ҳеч кирганмисиз? Айниқса, биринчи халқасида жойлашган тамаддихона кўпчиликнинг ҳайрату қувончига гувоҳ бўлган. Аслида-ку, шаҳарда ошхона-ю чойхонадан кўпи йўқ. Бироқ бу ерда ўтириб бир пиёла чой ичишнинг завқи бошқача. Азим шаҳар кўз олдингда кафтдагидек намоён бўлади.

Қуйида чироқлар ёғдусига бурканган бепоён шаҳар ястаниб ётибди. Катта йўлда ҳаёт дарёси бирзум тиним билмайди: ўтаётган автоуловлар чироғининг тилларанг шуъласи кўзни олади. Хув, олисда қўш минори кўкка бўй чўзган, қуббалари ой ёруғида товланиб турган Хастимом мажмуаси. Ундан берида эса юзлаб прожектор нурга белаётган Минор жоме масжиди. У кўрку маҳобати билан одамни ўзига маҳлиё этади. Кўркам Нурафшон кўчасининг ён-атрофида бунёд этилаётган замонавий кўп қаватли уй-жойлар. Ана, Миллий банкнинг кўркам ва улуғвор биноси. Сал ўнг тарафда — Мустақиллик майдони. У нурга чайилиб, янада чиройли ва янада муҳташам кўринади. Мана, Мустақиллик ва Эзгулик монументи. Сенатнинг оппоқ биноси, Бизнес марказ, кутубхона...

"Жар", "Бунёдкор" спорт мажмуалари, теннис кортлари, ярим кеча бўлишига қарамай болалар тўп сураётган футбол майдончалари...

Ҳа, шаҳар тун оғушида, аммо фараҳбахш. Юлдуздай жимирлаган чироқлар ёғдусига чайилган ва ҳаёт қайнайди. Унга боқиб, кўнглинг сув ичади.

Ҳаётда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бедорлик, уйқусиз тунлар, азоб-уқубат ва заҳматлар ҳосиласи сифатида юзага келади — Тинчлик ҳам, Ободлик ҳам, мумтоз меъморий обидалар ҳам.

Бугунги тўлғама замонда бунга эришиш, сарҳадлар осойишталигини қатъий сақлаб туриш осон иш эмас.

Юртбошимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ОАВ вакиллари билан учрашувда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш кераклигини таъкидлаб шундай деди:

**"Инсоният тарихидаги энг мудҳиш ва бешафқат, беҳисоб йўқотишларга олиб келган урушни бошидан кечирган халқимиз доимо битта фикр билан яшайди: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин, остонамизга яқин келмасин. Бизга тинчлик керак, омонлик керак. Одамларимиз ҳар қандай давраларда, тўй-маъракаларда Яратгандан аввало шуни сўрайди"**.



Ўтган аср охири, XXI асрнинг бошларида содир этилган ўтли-оловли хуружларни бир эсга олинг. Уларнинг ортида ёвуз кучлар турганини яхши биламиз.

Шу маънода, айтиш керакки, Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро террорчилар ва уларнинг ортида турган қора куч хуружи сира кўз очирган эмас. Унинг кўламини ўзимизга тасаввур этиш учун Фарғона, Ўш-Ўзган, Паркент ва Бўка, февраль воқеалари, Янгиобод, Сариосиё ва Узун, ундан сўнг Андижонда содир этилган кулфатларни эслаш кифоя. Ўша қонли террорлар моҳият эътибори билан бугун Ироқ ва Сурияда Ислом давлати ўрнатамиз, деб содир этилаётган, минглаб инсонлар уйини куйдириб ташлаётган қонли қирғиндан зиғирча фарқ қилмайди.

Мўътабар Ислом дини номидан иш кўрган золимлар ҳамиша шундай қонсираб разолат ва қабоҳат содир этган. Вайронкорлик ва бузғунчилик қилган. Зеро, ёвузлик қандай ном остида ва қандай шаклда иш кўрмасин, унинг илдизи бир, иддаоси бир! Ҳокимият ҳасрати, юлғичлик, вайронкорлик...

Айниқса, собиқ Иттифоқ босқинидан сўнг Афғонистон ҳаёти тамомила издан чиқди. Мамлакатда юзлаб база ва ҳарбий лагерлар юзага келди. Бу тизим ҳар йили беш мингдан зиёд жангари тайёрлай бошлади. Афғон болалари бешикда эмас, окопларда улғайди. Яна бунинг устига, етти дорнинг тагидан қочган каллакесарлар ҳам ўша заминга уя қўйди. Улар на ўзлари одамга ўхшаб яшади ва на ўзгани яшашга қўйди.

Бугун тарихга айланган ўша нотинч кунлар ҳеч ёддан чиқиши мумкинми?!

Воқеалар оқимидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон ҳамжамияти эътиборини афғон муаммосига қаратди. ***"Бу заминда тинчлик бўлмаса, дунёда тинчлик бўлмайди"***, деб уқтирди, у киши. Ўша кунгача биров бу ҳақда ўйлаган эмас. БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида эса Афғонистонга қуролярoғ етказиб беришни қатъиян ман этиш масаласини кун тартибига қўйди. Тўғри, ўз вақтида БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХҲТ, Европа парламенти бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган. Шу тариқа хайрли ишларга қўл урилган. Аммо масала тугал ечим топган эмас. Агар ҳамма бир бўлиб, афғон муаммосини бартараф этганида, кейинги кўп-кўп уруш ва йўқотишнинг олди олинган, Европада қочқинлар нажот истаб юрмаган бўлармиди, деб ўйлайсан, киши.

Ислом Каримов "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз" (1999 йил) китобида Афғонистон ва у ерда кечаётган жараён минтақага қандай таъсир кўрсатаётганига алоҳида тўхталади. **"Афғонистон бугун амалда халқаро терроризм, диний экстремизм майдонига, жаҳон наркобизнеси марказига айланиб қолмоқда,** — деб уқтиради давлатимиз раҳбари. — **Вазият шундай таранглашдики, эртага нима бўлишини олдиндан айтиш қийин. Зиддият назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, қўшни давлатларга ҳам ўтиши мумкин.**

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз вақтида Афғонистонда умуммиллий келишувга эришилиши учун коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этган. Шунга кўра, 1997 йили "6+2" (Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерацияси) халқаро мулоқот гуруҳи иш бошлади. Бунинг шарофати билан 1999 йилнинг 21 июлида *"Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида"* Тошкент Декларацияси имзоланди. Бу саъй-ҳаракатлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш борасида муҳим қадам сифатида юксак баҳоланган.

2001 йил Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибига мурожаат йўллаб, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини кўриб чиқишини таклиф этди. Шунингдек, у киши НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарест саммитида (2008 йил) ўлкадаги можарони биргаликда ва сиёсий йўл билан ҳал этиш, ихтилофлар миқёсини пасайтириш, айни вақтда мувофиқлаштирилган иқтисодий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш учун Мулоқот гуруҳи фаолиятини "6+3" шаклида кенгайтириш ғоясини илгари сурди. Албатта, бу саъй-ҳаракат Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун ғоят қимматли эди. Қолаверса, бутун минтақа манфаатлари учун мос ва мувофиқ келарди.

Афғонистондаги кейинги ижобий силжишда бу эзгу ҳаракатнинг салмоқли ўрни бор, албатта.

Айтиш жоизки, айнан ўша даврда — БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон раҳбари минтақа тинчлиги учун жуда ҳаётбахш яна бир ташаббус — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ғоясини илгари сурган. Ва Бош Ассамблеянинг 52-сессияси *"Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида"* резолюция қабул қилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қўшни ўлкада темирйўл барпо этилди, шунингдек, электр тармоқлари тортилди...

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, минтақадаги тинчлик ва осойишталик, ҳамкорлик ва аҳилиноқликни янада мустаҳкамлаш Ўзбекистон раҳбарининг доимий диққат-марказида бўлиб келган. Ва ҳозир ҳам шундай.

Мустақилликнинг 24 йиллиги тантанасида давлатимиз раҳбари бу масалага янада ойдинлик киритди. **"Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир..."**

Мана шулар ҳақда ўйлаганда, беихтиёр кишилик жамияти босиб ўтган йўлга мурожаат қиласан, киши. Дунёда шундай қудратли халқлар бўладики, улар зиммасидаги тарихий масъулият гўё толеига халоскорлик битилган афсонавий қаҳрамонларнинг қисматига ўхшаб кетади. Ва бу кўҳна дунё ўта қалтис вазиятларда айнан ўша халқларга юз буради, уларнинг кўмагидан мадад олади.

Мисли йўқ кечмиш ҳодисалар талқини шундан далолат беради.

Чунончи, Амир Темур эл-улусни мўғул истилосидан халос этиб, одил ва беқиёс салтанат тузгани, салоҳиятли ҳарбий мактаб яратгани, бутун бир Уйғонишни бошлаб бергани, шунингдек, Европа тамаддунига йўл очгани ҳам жаҳон муаррихлари томонидан бирдек эътироф этилади.

Абу Али Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" XII асрда Европа тилларига таржима қилинганини, университетларда табобат илми беш юз йил давомида шу китоб асосида ўқитилганини ким инкор эта олади?

Хилда Хукхэм "Етти иқлим соҳиби" китобида ёзишича, Британияда XVII асрда Қиролнинг биринчи мунажжими иш бошлаган. У Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний" асарига таянган ҳолда тадқиқот олиб борган...

Бундай мисоллар кўпдан-кўп.

Форобий, Беруний, Хоразмий заковати ўша замондаёқ бутун бир оламга ёруғлик улашган. Ёки бўлмаса, Ислом оламининг устунлари бўлган Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбандни эсга олайлик. Бу ёқда — Термизий, Мотурудий, Марғиноний...

Шоирлар султони ҳазрат Навоий...

Бу мўътабар сиймолар кишилик жамияти бешигини тебратиб, тарих ғилдирагини тўғри йўлга солиш учун дунё юзини кўрган, десак, хўш, буни ким рад эта олади?! Шу маънода, истиқлолдан сўнг босиб ўтилган тарихий йўл, айниқса, "ўтиш даври" жиддий муҳокама ва мулоҳаза юритишга ундайди.

Сиз бир эътибор қилинг. XX асрнинг кўзга кўринган сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский саксонинчи йиллар охирида халқаро вазиятга баҳо бериб: ***"Ўзбекистоннинг мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эга"***, дея таъкидлаган. Албатта, эндиликда наинки Ўзбекистон, балки бутун минтақада ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, ободлигу бунёдкорлик ўз-ўзидан бўлмаганини ақли расо, виждони пок ҳар бир одам чуқур ҳис этиб турибди. Шу маънода, ҳар бир қаричи бир азиз авлиёнинг, бир улуғ алломанинг, ёки бўлмаса, Тўмарису Широқдай бир ёвқур ватанпарварнинг хоки покини бағрига босган шу мўътабар замин борлиги учун шукр қилиш керак. Уларнинг бедор ва курашчан руҳи бугунги Тинчлик ва Аҳил-тотувлик, Ободлик ва Озодлигимиз тимсолида мужассамдир...

**Ўрол СОДИҚ,**
**журналист**

# Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда

## адлия органларининг ўрни

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

фаолиятини тизимлаштириш ва ишлар самарасини ошириш мақсадида ҳудудий адлия органларида Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбалари ташкил этилган.

Шуниси аҳамиятлики, шўъбалар ташкил қилингунга қадар 5-6 турдаги ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар сифатида эътироф этилар эди. Ҳозирги кунда эса ҳудудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 20 турдан зиёдроқ ҳужжати норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан адлия органлари ўртасидаги мустаҳкам алоқалар натижасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳудудий адлия органларига тақдим этилаётган лойиҳалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Масалан, 2012-2013 йиллар давомида ҳудудий адлия органлари томонидан жами 1857 та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2014-2015 йиллар мобайнида 3997 тани ташкил этди.

Бу борада Адлия вазирлиги томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ҳамда уларга кенг шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Шундай ҳужжатлардан бири бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги **"Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мазкур қарорнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши ва сифати бўйича мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг олиб бориш юклатилган.



Ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, ишлаб чиқилаётган ҳужжат лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадида ушбу лойиҳаларни Интерактив давлат хизматлари Ягона порталида муҳокамага қўйиш, унинг натижаларини лойиҳа юзасидан тузилган маълумотномада акс эттириш лозимлиги белгилаб берилди.

Бундан буён маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланаётган тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, албатта, тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали муҳокама этилиши лозим бўлади. Бу тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада пухта ишлаб чиқилишига мустаҳкам замин яратади.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш ишларининг ҳолати, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши масаласида давлат ва хўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги юридик хизматнинг роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазирликнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Вазирлик томонидан юридик хизматни ривожлантириш борасида кўрилаётган чоралар ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани тизимли равишда такомиллаштириб борилиши амалиётда ўзининг катта ижобий самарасини бермоқда.

Жумладан, 2015 йил давомида 650 нафар ҳуқуқшунос Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўқитилиб, малакаси оширилди. 1223 нафар ҳуқуқшунос эса аттестациядан ўтказилиб, муносиб деб топилган ҳуқуқшуносларга сертификатлар берилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлашда уларни адлия органлари билан келишиш тартиби жорий этилиб, 39 нафар юридик хизмат ходимлари билан суҳбат ўтказилди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг юридик хизмати ходимлари фаолиятини мониторинг қилиб бориш мақсадида, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича адлия органлари томонидан ҳисобот олиш ва таҳлил қилиш тартиби жорий этилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, вазирлик томонидан амалга оширилаётган мазкур ижобий ишлар самараси ўлароқ давлат органлари, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятидаги қонунбузилиш ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Маълумки, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар, аввало, халқ манфаатларига, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг мазмунидан уларни тезкор ва тўла хабардор этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Шу мақсадда, биргина ўтган 2015 йил мобайнида бевосита адлия органлари томонидан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 2 миллион 537 мингдан зиёд аҳолини қамраб олган ҳолда 66,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. Бунда 51 минг тадбир жойларда ўтказилди ва 13 мингдан ортиқ тадбир ОАВда ёритилди.

Аҳоли билан бўладиган учрашувларда янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини етказиб беришнинг муҳим воситалари ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", кодексларнинг расмий нашр этилиши, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — "Lex.uz"нинг фаолияти самарали ташкил этиб келинмоқда. Ҳар йили тўпламнинг 52 та сони 5000 нусхада нашр этилиб фойдаланувчиларга етказиб, берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — "Lex.uz"да 38324 га яқин ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиб, ҳар куни база хизматидан 10000 дан ортиқ киши фойдаланади, рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланувчилар сони эса 50000 га етди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлат органлари, айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, улардаги юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиб бориш вазирлик фаолиятининг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Зеро, бу мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш учун йўл очиб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида давлат сиёсатини юритишда муҳим аҳамият касб этади.

**Анвар УСМОНОВ,**
**Адлия вазири**
**ўринбосари**

Суҳбат

# Оила — жамият гултожи

## унинг фаровонлигини таъминлаш ҳаммамизнинг бурчимиз

**ОИЛА — муқаддас даргоҳ. Оилалар тинч ва фаровон бўлса, юрт обод бўлади. Обод юртда бахтли оилалар яшайди.**

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мухбиримиз Республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари Ҳафиза Мамадалиева билан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар борасида суҳбатлашди.

**— Ҳафиза Холдоровна, аввало, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида Марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда оила мақоми, соғлом она ва бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида "Оила" илмий-амалий маркази томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Оиланинг жамият барқарорлиги ва тараққиётидаги ўрни, оила институти ривожланишининг хорижий ва миллий тенденциялари, тажриба ва муаммоларини ўрганиш соҳасида БМТнинг Аҳолишунослик фонди (ЮНФПА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида "Оила шаклланиши ва мустаҳкамлигининг асосий омиллари", "Оила тараққиётининг демографик ва иқтисодий ҳолатга боғлиқлик хусусиятлари", "Оила сиёсати: халқаро ва миллий тажриба" каби семинарлар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди.



15 май — "Халқаро оила куни"ни кенг нишонлаш мақсадида Марказ ходимлари ҳудудий бўлимлар билан ҳамкорликда республиканинг барча вилоятларида "Ўзбекистон оилалари. Кеча ва бугун" мавзуида оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик иштирокида анжуманлар ўтказилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Оилам бахту саодатим манбаи" мавзуига бағишланган видео мулоқотда фаол иштирок этди.

Марказнинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улардаги мавжуд ҳолатни ўрганиш ва амалий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ишчи гуруҳлар тузилди. Ишчи гуруҳлар ёрдамида ҳудудий марказлар фаолияти ўрганилиб, улардаги мавжуд ҳолат таҳлил қилинди.

Марказ олимлари томонидан касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицей ва олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида "Ёшлар психологияси", "Ўзбекистонда эрта турмуш муаммолари ва оқибатлари", "Нега мени ҳеч ким тушунмайди?", "Ота-она ўзини ўсмир фарзандлари олдида қандай тутиши керак?" мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. "Оилада маънавий-ахлоқий тарбия" мавзуида рисола ҳам чоп этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан "Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш" борасида меморандум ҳам имзоланди.

Оилада соғлом маънавий муҳитни, ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида Марказ томонидан ўсмир ёшдаги қизларни маънавий, ахлоқий ва жисмоний тарбиялашга кўмаклашувчи "Қизлар энциклопедияси"ни, "Хотин-қизларнинг оилада маънавий муҳитни шакллантиришда ҳамда ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни" номли оммабоп рисола тайёрланди ва чоп этилди.

"Оилада маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган маҳалла маслаҳатчилари учун" оммабоп рисола тайёрланди.

**— Марказ томонидан ФҲДЁ идоралари, маҳалла ва "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Республика "Оила" илмий-амалий маркази белгиланган вазифаларни амалга оширишда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, "Камолот" ЁИҲ қошида ташкил этилган "Ёш оила марказлари"ни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар амалга оширилди.

Ёшлар ўртасида оила қадрияти ва маданиятини тарғиб қилиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ёш оилаларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашда ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш борасида ёшларни никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш зарурлиги, 18 ёшга тўлмай туриб никоҳ қуриш, ижтимоий, тиббий нуқтаи назардан салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида **"Соғлом фарзандларни тарбиялашда барчамиз бирдек масъулмиз", "Соғлом оила — соғлом авлод — соғлом келажак", "Соғлом танда — соғ ақл", "Тоза қўллар"** мавзуида ёшлар билан очиқ мулоқот, давра суҳбатлари ўтказилди.

"Оила барқарор ривожланишининг демографик омиллари" мавзуида ижтимоий сўровнома Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги 8 та тумандаги 40 та маҳалласида маҳаллардаги демографик ҳолатни, оилавий бизнесни ривожлантириш потенциали, мавжуд муаммолари, меҳнат миграциясининг оилага таъсири, оилалардаги авлодлар орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида ўтказилди.

Оила — жамиятнинг гултожи. Унинг фаровонлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз, қатъий тилагимиз бўлиб қолади.

**"Инсон ва қонун" мухбири**
**Мадина ҲАМДАМОВА суҳбатлашди.**

Амалиёт

# Миллий ва хорижий тажриба

## уйғунлиги

**МУСТАҚИЛЛИК йилларида амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар натижасида давлат ва жамиятни бошқаришнинг қонунга асосланган яхлит тизими шаклланди. Энг муҳими, ҳокимият тармоқлари бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари ўз вазифаларини тўлақонли ҳис этган ҳолда Конституция ҳамда қонунларда ўзларига юклатилган функцияларни мустақил бажариши кафолатлари яратилди.**

Президентимизнинг 2010 йилда баён этилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ташаббуслари бу соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиши билан бир қаторда, ҳокимият тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлайдиган механизмни жорий этиш ва янада такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик тамойили асосида демократияни чуқурлаштириш даражасини халқ руҳиятига, менталитетига мослиги ва мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда тарихий, миллий ва илғор хорижий тажрибага суяниш орқали амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидаёқ бу соҳада илғор хорижий давлатларнинг ривожланиш тажрибаларидан фойдаланиш ўринли эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган эди: **"Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўплаган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар ҳар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради"**.

Демак, жаҳон тажрибаларини чуқур таҳлил этиш, энг яхши намуналар ёки жиҳатларни ҳозирги воқелигимизга татбиқ этиш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Конституцияга янги киритилган Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисидаги норма ҳам конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади.

Ҳукуматнинг фаолият (ҳаракат) дастурини таҳлил қилиш кўплаб демократик давлатлар тажрибасидан ўрин олган конституциявий институт ҳисобланади. Масалан, Германия Асосий қонунига биноан, парламент аъзолари нафақат ҳукумат раҳбари ва аъзоларини тасдиқлайди, балки ҳукумат дастури лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдиради. Ушбу дастур қонун чиқарувчи идора аъзолари томонидан тасдиқланиши ёки рад этилиши мумкин. Дастурнинг рад этилиши бир вақтнинг ўзида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилишини англатади.

Финляндия конституциясига мувофиқ депутатлар Бош вазир номзоди тасдиқлангунга қадар ҳукумат дастури лойиҳасини кўриб чиқадилар ҳамда унинг мазмунини ўрганганларидан сўнг Президентга Бош вазир лавозимига номзодни қўллаб-қувватлаш мумкинлиги борасида ўз фикрларини билдиради.

Парламент томонидан Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти ҳам бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасида қўлланилади. Жумладан, Япония конституциясининг 69-моддасига кўра, парламентнинг қуйи палатаси — Вакиллар палатаси ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдирса ёки ишонч билдиришни рад этса, ҳукумат тўлиқ таркибда истеъфога чиқади.

Ҳозирги пайтда Конституцияга киритилган тузатишларни жорий қонунчиликда, хусусан, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"**ги ва **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги конституциявий қонунларга ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"**ги қонунларда мустаҳкамлаш, шу билан бир қаторда бошқа қонун лойиҳаларида акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

**Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,**
**Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди**

# Болаларнинг бегонаси йўқ

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Ана шу эзгу даъват Ўзбекистонимиздаги миллионлаб ёшларни доимо юксак марралар сари дадил қадам ташлашга ундаб, уларда юрт равнақига дахлдорлик туйғуларини янада кучайтирмоқда. Буни биргина ўтган 2015 йилда мамлакатимиз ёшларининг қўлга киритган ютуқларидан ҳам билсак бўлади.

Хусусан, 2015 йилда 53 та нуфузли халқаро спорт тадбирида иштирок этган жами 479 нафар (шундан 166 нафари қизлар) мактаб ўқувчиси 140 та олтин, 83 та кумуш ва 91 та бронза медалини қўлга киритди.

Шунингдек, ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритганини, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлганини ва уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин эканини айтиш жоиз. Мана шундай иқтидорли ёшларимиздан бири Пастдарғом политехника касб-ҳунар коллежининг талабаси Диёра Келдиёрова Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳиби, дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси. Тўрт карра Ўзбекистон чемпиони шарафига эришган қизимиз 2015 йилда Босния ва Герцеговина давлатининг Сараево шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди.

Жорий йилнинг 1-6 март кунлари Кипрнинг Протарас шаҳрида бўлиб ўтган математика фани бўйича халқаро олимпиадада иштирок этган Ўзбекистон фарзандлари дунёни лол қолдирди, десак, муболаға бўлмайди. Йигирмадан ортиқ давлатнинг 150 дан зиёд иқтидорли талабалари иштирок этган халқаро беллашувда Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабалари Хакимбой Эгамберганов ва Шоҳруҳ Ибраҳимов биттадан олтин медаль, Мирмуҳсин Махмудов эса махсус диплом билан тақдирланди.

— Халқаро мусобақада ғолиб бўлиб, ватанимиз шоншуҳратини намоён этдик. Бу она Ўзбекистонимизда биз, ёшлар учун яратилган улкан имкониятлардан баҳраманд бўлаётганимиз ифодасидир, — деди Ш.Ибраҳимов. — Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътибори илм-фанга меҳримизни янада оширмоқда. Ўзбекистондек осмони мусаффо, фаровон мамлакат фарзанди эканимдан фахрланаман.

**РАҒБАТ — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА МАДАД**

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг истеъдодларини янада юксалтириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлган муҳим масалалардан саналади. Хусусан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий номидаги қатор давлат стипендияларининг таъсис этилиши ёш иқтидор ва истеъдод соҳибларини рағбатлантирибгина қолмай, уларнинг она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаб, янгидан-янги марралар сари ундайди.

Шулар жумласидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти 2000 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз танлаган йўналишида қатор ютуқларни қўлга киритаётган истеъдодли қизларга бериб келинмоқда. 2016 йилда мукофотга сазовор бўлган қизларнинг сони 240 нафарга етди. Уларнинг 54 нафари адабиёт, 73 нафари маданият, 47 нафари санъат, 24 нафари фан, 42 нафари таълим йўналишларида улкан ютуқларга эришиб, шарафли мукофотга сазовор бўлган.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги **"Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижроси юзасидан 2014-2015 йилларда жами 57 та "Камолот" уйи барпо этилиб, 2078 нафар юртимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларга топширилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ёш оила вакилларининг 224 нафари давлат мукофоти, 452 нафари Президент ва номдор стипендиялар соҳиби, 558 нафари республика ва халқаро спорт мусобақалари совриндори, 358 нафари илмий изланиш олиб бораётган ёш олим ва турли фан олимпиада ғолиблари, шунингдек, 41 нафарини юқори натижаларга эришган ногирон ёшлар ташкил этади.



**Бекпўлат ҚУТЛИМУРОДОВ, ёш тадқиқотчи:**

— Юртимизда ўқиб ўрганаман, деган ёшлар учун барча имкон ва имтиёзлар мавжуд. Мактабда ўқиб юрган кезларимдан математика, физика фанларига қизиқишим баланд эди. Яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, фан билан астойдил шуғулландим. Фан олимпиадаларида иштирок этиб, муносиб совринларга сазовор бўлдим. Натижада университетга имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Бу йил эса "Камолот" уйларидан бирига эга бўлдим.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик биз ёшларнинг юрагимизни фахр-ифтихорга тўлдириб, она Ватанга хизмат қилишдек улкан мақсадлар сари қанот бўлмоқда.

Юртимиз ёшларининг бу каби фахр-ифтихор туйғулари, ғайрат ва шижоатлари, эртанги ёруғ истиқболга ишонч ва интилишлари, дунёни лол қолдираётган ютуқлари замирида "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган буюк ғоя асносида олиб борилаётган бекиёс ишлар мужассам эканлигини бутун дунё кўриб-билиб турибди. Сўнгги сўз ўрнида, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперт Юрген Беккернинг (Австрия) Ўзбекистон болаларига берган таърифидан ортиқ тавсиф топмадик: **Болалар ўзларининг ҳақиқий ҳис-туйғуларини яшира олмайдилар. Уларнинг юз-кўзларида қувонч ҳам, қайғу ҳам яққол зоҳир бўлади. Ўзбекистонда мен болаларнинг юзида росмана қувонч ва болалик бахтини кўрдим. Бу эса уларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг ёрқин нишонасидир.**

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


**Эълонлар**

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 майдаги 182-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Хаитов Бахтиёр Зокировичга нисбатан Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2014 йил 28 майда берилган SA 000450-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар бўлган даврга тўхтатилди.

* * *

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 21 майдаги 198-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "TEMIRYO'L" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Казаков Бобир Куконовичга бошқарма томонидан 2012 йил 6 апрелда берилган SA 000388-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 13[1] ва 15-моддаларига мувофиқ 2009 йил 15 июнда берилган QR №000004-сонли адвокатлик лицензиясига эга "Нызамлы уакил" адвокатлик бюроси адвокати Самендеров Полат Календерович Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан тергов олиб борилаётган жиноят иши бўйича айбланувчи тарикасида жалб этилганлиги боис, суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 24 майдаги 152-ум-сонли буйруғига асосан вақтинча тўхтатилди.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан "DENOV-ADOLAT-MASKANI" адвокатлик фирмаси адвокати Шарипова Комила Мустановна адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги муносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 16 майдаги 95-ум-сонли буйруғига асосан унинг лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 16 майдаги буйруғига асосан Китоб туманидаги "Ҳақиқат қалқони" адвокатлик бюроси адвокати Мирзаев Ахат Шароповичга бошқарма томонидан 2009 йил 25 июнда берилган KS 000110-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 289-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугаганлиги сабабли тикланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Сайёра Мадалиевага онаси **Тожиниса МАДАЛИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси Конституциявий ҳуқуқ фани ўқитувчиси Гулшода Жумаевага отаси **Алланазар ЖУМАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Талқин

# Муаллифлик ҳуқуқи

## қонун билан ҳимоя қилинади

**ИНСОН ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир инсон ўзи муаллифлик қилган илмий, адабий ёхуд бадиий асарларнинг натижасида келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.**

Бу норма Асосий қонунимизнинг 42-моддасида қуйидагича акс этган: **“Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**

**Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”**.

Мамлакатимизда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид ишлар тобора такомиллашиб бормоқда.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутади. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Конвенция қоидалари юртимизда амал қила бошлагани муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари учун катта имкониятлар эшигини очди.

Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқукларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир.

2006 йилда қабул қилинган **“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**ги Қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Бу эса мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол тасдиғидир.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритилди, бир қатор зарур норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги **“Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги ва 2008 йил 19 январдаги **“Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”**ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар меҳнатини рағбатлантириш борасида Юртбошимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Президентимиз **“Ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш лозим. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди”**, дея таъкидлаганидек, интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уларнинг муаллифлари манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган қатор халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Республикамиз фан, адабиёт, санъат, таълим ва бошқа соҳаларни тарғиб қилишда қатор халқаро шартномаларда ҳам иштирок этмоқда. Республикамизда муаллифлар ва уларнинг меросхўрлари, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамда турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳисобланган телерадио ташкилотлари, фонограмма ишлаб чиқарувчилар, ижрочи-артистлар ва бошқа ижодий меҳнат билан шуғулланувчиларнинг тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик асослари мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ва Берн конвенциясига аъзо бўлиши ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳам қўлланиши амалдаги соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Қатор ижодий уюшмалар ва жамоатчилик тузилмалари ҳам муаллифлар ва ижрочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. Мустақиллик йилларида яратилган кўплаб асарларимиз хорижий тилларга таржима қилинган ва қатор мамлакатларда ўқилмоқда, санъат асарларимиз намуналари эса хорижда намойиш этиб келинмоқда.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг судьяси**

Ҳаёт чорраҳаларида

# Саодат ошиёни

## орзу-умидлар остонаси

**САБР, қаноат хусусида кўп эшитамиз, кўп гапирамизу, аммо ҳар доим ҳам амал қилмаймиз... Сабрсизлик, қаноатсизлик, шошқалоқлик туфайли айрим оилалар бузилиб кетаяпти. Бунинг натижасида оиладаги норасида гўдакларнинг кўнгли ярим бўлиб қолаётир. Тўғри, сабр-қаноатли бўлиш ниҳоятда мураккаб иш. Қаноат — эҳтиёжсизлик негизидир, иззат ва шараф тантанасидир, — деб ёзганлар Ҳазрат Алишер Навоий. — Қаноатли камбағал давлатманддир, унинг шоҳу гадога иши тушмайди. Қаноатли кишини ноёб донишманд деб ҳам иззат қиладилар. Қаноат инсонга берилган туганмас неъматдир.**

Ҳар кеча сўнгида нури зиё бор,
Ҳар бардош сўнгида завқу сафо бор, деб ёзади Низомий ҳазратлари.

Сабрли одам ҳеч маҳал умидсиз бўлмайди. Умидсиз одам-бир қоп эт. Умид — парвозга шайланган лочиндир.

Сабр, қаноат тўғрисида ёзяпман-у, кўз ўнгимда қишлоғимизда ўша мен билган, ҳамма ҳурмат қиладиган Фароғат опа гавдаланяпти. Гоҳида бу аёлга қанчалар кўп сабр-тоқат берилганини, ҳаётидаги мушкул вазиятларни фақат қаноат, умид билан енгиб келаётганини ўйлаб, уни аввалгидан ҳам кўпроқ яхши кўриб кетаман.

Фароғат опанинг турмуш ўртоғи ичкиликка ружу қўйиб, унинг тузоғидан чиқолмаётганига анча йил бўлди. Фарзанди бор. Афсуски, унинг ҳам тўрт мучаси соғ эмас. Аммо опанинг бирор марта ҳаётидан нолиганини, ўксиганини кўрмаганман. Оиламга дарз кетмасин, болаларимга ҳам ота, ҳам она керак, дея кеча-ю кундуз қўлидаги ҳунари билан қишлоқдошларига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, оила улуғ ва муқаддас макон. У саодат ошиёни, эзгу орзу-умидлар остонаси, бахт ва муҳаббат қўрғони. Барча эзгу қадриятлар, хайрли анъаналар оила орқали авлодлардан-авлодларга ўтади, сайқал топади.

Мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мақтанишга арзигулик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Юртбошимиз томонидан оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги оила институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигидан далолат беради.

Аммо юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, оила жамиятнинг бир бўғини эканлигини унутиб, ўз шахсий манфаатлари учун уни бузишга йўл қўяётган шахсларнинг камаймаётганлиги ачинарли, албатта. Оила барбод бўлганда, вояга етмаган ўғил-қизларнинг тарбиясида катта муаммолар пайдо бўлиши муқаррар. Қаровсизлик, эътиборсизлик, моддий етишмовчиликлар болаларни эгри йўллардан юришга, айрим ҳолларда ўсмир қизларни ёмон йўлларга кириб қолишга ҳам мажбур қилади. Тўғри, мамлакатимиздаги мавжуд қонунлар ҳар бир болага эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни назарда тутган бўлиб, уларнинг амалдаги ижроси назорат қилинмоқда. Аммо... фарзанд учун энг меҳрли ва ишончли ошиён — бу ОИЛА...

Хизмат юзасидан келаётган аризаларни таҳлил қиларканмиз, энг кўп мурожаат — алимент ундириш масаласида эканлигига шоҳид бўламиз. Алимент ундириш билан кошки оилани тиклаб бўлса экан! Шошқалоқ, сабрсиз аёлларга ажралиш сўнгги бекат эмаслигини, жовдираб турган қоракўз фарзандларига ҳам ота, ҳам она кераклигини, кўнгли ярим бола ҳеч қачон бахтиёр, баркамол бўлолмаслигини қандай тушунтириш тўғрисида кўп ўйлайман. Оила, деган муқаддас қўрғонни “характеримиз тўғри келмади”, “қайнонам яхши эмас” ва бошқа минг хил важларни қаторлаштириш билан бузаётганликлари жуда-жуда ачинарлидир. Алимент ундириш учун келаётган аёлларнинг бирортасидан “ўзимдан ҳам хатолик ўтди, оиладаги вазиятни тўғри баҳолай олмадим, шошқалоқлик, сабрсизлик қилдим”, деган сўзларни эшитмайсиз. Ахир бировга маъқул бўлиши учун инсоннинг ўзи манзур киши бўлиши керак эмасми?!

Алимент ундириш бўйича биргина жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий шаҳар суд ижрочиларига 118 та ариза келиб тушган. Бу қанчадан-қанча ўғил-қизларнинг ё ота, ё она меҳрига зор қолди, дегани эмасми? Болаларини ҳимоясиз, ёлғизлатиб, қўйиш ўзбекона қадриятларимизга мос келмайди, қолаверса, миллатимиз шаънига доғ туширади. Шундай экан, фарзандларимизнинг кўнгли ўксик, қатордан кам бўлиб ўсишларига йўл қўймаслик учун сабрли бўлайлик!

**Нигора РЎЗИҚУЛОВА,**
**Навоий шаҳар суд ижрочилари департаменти иш юритувчиси**

# Ҳуқуқий маслаҳатхона

**— ДАВЛАТ ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларининг очиқлигини қандай таъминлайди?**

**Т.ЭРГАШЕВ,**
**Сирғали тумани**

— **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига асосан, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Акбар САЙДАХМЕДОВ жавоб берди.**

* * *

**— ВАСИЙ ва ҳомийларни танлаш ва васийликка ёки ҳомийликка берилиши керак бўлган шахсларни ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?**

**Н.ҲАЙИТБОЕВ,**
**Гулистон шаҳри**

— Оила кодексига асосан соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин. Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади.

Ҳомийлик ҳам васийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга қўлланилади.

**Саволга Гулистон шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Муҳаббат ХУДОЙБЕРДИЕВА жавоб берди.**

**— ФУҚАРОНИНГ фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш қандай тартибда амалга оширилади?**

**О.РАСУЛОВ, Нукус шаҳри**

— Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунига биноан “Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди ва унинг тасдиғи сифатида гувоҳнома беради. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади. Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чап бурчагига қўйилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Бунда муҳр қисман фотосурат устига, қисман эса гувоҳнома устига қўйилиши керак”.

**Саволга Нукус шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Зинатдин ЯХЫПОВ жавоб берди.**

* * *

**— Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш қонунан қандай ҳимоя қилинади?**

**Р.НЕЪМАТОВ, Тошкент шаҳри**

— Фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди.

Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Ушбу моддадаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади.

**Саволга Чилонзор туман 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Лайло АЛЛАЯРОВА жавоб берди.**

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

“Асака” банк

яқинлашиб келаётган “Мустақиллик куни” байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“МУСТАҚИЛЛИК — 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7697

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Усманов Анвар Акрамович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Очилов Алижон Мухлисович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 21740.
Буюртма S-6152.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5